

**ИМОМ АБУ ҲАНИФА РАҲМАТУЛЛОҲИ АЛАЙҲНИНГ УСТОЗЛАРИ****Джуманов Абдулхамид**

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институту “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси
ўқитувчиси*

Тарихга оид ёзилган манбаларда Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг ҳаётларига тегишли маълумотлар етарлича ёритилган. Табақот ва тарожим ҳақидаги китобларнинг ҳеч бири Алломанинг таржимаи ҳолидан холи эмас. Бундан ташқари унинг ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишлаб ёзилган мустақил асарларни кўплаб топиш мумкин. Қисқасини айтганда, Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳга берилган таъриф ва тавсифлар унинг ҳаётидаги ҳамма жабҳаларини қамраб олган ва тадқиқотчи бу борада янгилик қилишига эҳтиёж қолмаган⁸⁵. Шундай бўлса ҳам диссертация мавзуси Алломанинг калом илдига оид асари тўғрисида бўлгани учун унинг ҳаёти ҳақида қисқача сўз юритилади ва фикҳ билан шуғулланиб, фақиҳ ва мужтаҳид сифатида танилишидан олдин калом илмида моҳир бўлгани ҳам ёритилади.

Куфа шаҳри 17-ҳижрий йили барпо қилинганидан бошлаб, саҳобийлар шаҳри бўлган. Ҳазрати Умар розияллоху анху Қуръони каримни ва фикҳни ўргатиш учун Куфа аҳлига Ибн Умму Абд номи билан машҳур бўлган, исломга олтинчи бўлиб кирган саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоху анхуни, ўзлари унга муҳтож бўлсалар ҳам, муаллим қилиб юборганлар. Ибн Масъуд розияллоху анху ҳақларида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам : “Ким Қуръони каримни нозил бўлган пайтида қандай бўлса шундайлигича қироат қилмоқчи бўлса, Ибн Умму Абддек қироат қилсин”, – дедилар. У кишининг мадрасасида жуда кўп қорилар етишиб чиқди. Ҳатто Ҳазрати Али розияллоху анху Куфа аҳли фақиҳларининг кўплигидан ажабланиб, Ибн Масъудга: “Бу қишлоқни илм ва фикҳга тўлдириб юборибсизку”, – деган. Ҳазрат Али розияллоху анху бошчилигида қори саҳобийларнинг Куфага кўчиб борганларидан кейин эса шаҳар аҳлига илм беришга бўлган эътибор янада кучайди. Натижада Куфа шаҳри ислом шаҳарлари ичида фақиҳлар, муҳаддислар, улум ал-Қуръон ҳамда араб луғати олимларининг кўплиги борасида тенгсиз бир шаҳарга айланди. Ироқнинг бошқа шаҳарларида яшамай, фақат Куфанинг ўзида яшаган саҳобийлар сонини Ижлий бир минг беш юзтага етказган.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳнинг илм йўлидаги сафарлари ҳақида гапирадиган бўлсак, у Басрага ўн марталаб бортб, Мадинаи мунавварани ҳам ўн марталаб зиёрат қилганлар, Маккаи Мукаррамада эса 130 ҳижрий йилдан бошлаб 136 йилгача олти йил мобайнида муқим яшаганлар. Ушбу икки муборак

⁸⁵ Аҳмад ибн Муҳаммад Насийруддин Нақийб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. – Риёз: Мактаба ар-Рушд, нашр санаси номаълум. – Б. 45. (Бундан кейин: Нақийб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий)



шаҳарларда уларнинг уламолари билан учрашганлар. Ҳатто, у ерга ташриф буюрган бошқа шаҳар уламолари билан ҳам кўришганлар. Маккаи Мукаррамада Ибн Аббос розияллоҳу анхунинг шогирдларидан Ибн Аббоснинг илмларини, Мадинаи Мунавварада Ҳазрати Умар розияллоҳу анхунинг шогирдларидан Ҳазрати Умарнинг илмларини олганлар. Шунингдек Аҳли Байт имомларидан ҳам кўп илмларни истифода этганлар⁸⁶.

Демак, Абу Ҳанифанинг раҳматуллоҳи алайҳи илми юзаки, ҳавойи ва ўзича ўйлаб чиқарилган хулосалар бўлмаган. Балки, у зот ҳар бир соҳа бўйича ўз даврининг машҳур уламоларидан илм олганлар. Уларнинг илми бевосита Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тақалган. Шунинг учун Аҳли сунна уламолари фикҳ ва ақида бўйича у кишининг тутган йўлини маҳкам тутганлар.

Тарожим ва маноқиб китобларида бу борадаги маълумотлар етарлича. Маккий ўзининг маноқибиде Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи устозларининг номларини абжад ҳарфлари тартибиде ўн еттита саҳифада келтириб ўтган. Уларнинг адади уч мингта бўлиб, мингтаси порлаб турган юлдуз кабидирлар⁸⁷. Ибн Ҳажар Ҳайтабий раҳматуллоҳи алайҳининг фикрича, унинг тобеин устозларининг адади тўрт мингта атрофида бўлган⁸⁸. Маккий ва Баззоийлар Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи саҳобалардан ҳам илм олганлигини айтганлар. Абу Ҳанифанинг тобеинлардан илм олгани ҳақида ҳеч қандай шубҳа йўқ. У киши жуда кўп устозлардан илм ўрганганлар. Шулардан баъзилари қуйидагилар:

1. Омир ибн Шароҳил Шаъбий (ваф. 103 ҳ.). Амирул муъминийн Умар розияллоҳу анху халифалигининг олтинчи йилида таваллуд топган. Саҳобалардан беш юзтаси билан учрашган⁸⁹.

2. Абу Муҳаммад Ато ибн Аби Рабоҳ Аслам (ваф. 114 ҳ.). Ибн Аббос розияллоҳу анхудан кейин Маккада фатво ишларида унга мурожаат қилинарди. Ҳадис ривоятида ишончли ва фақиҳ тобеинлардан саналади⁹⁰. Хатиб Бағдодий раҳматуллоҳи алайҳи “Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи” номли китобида Ҳорис ибн Абдурраҳмонгача бўлган санад билан айтади: “Ҳорис ибн Абдурраҳмон деди: “биз Атонинг ҳузурини баъзимиз баъзимизни ортида бўлар эдик. Агар Абу Ҳанифа келса, у учун жойни бемалол қиларди ва ўзига яқинроқ кўярди”⁹¹. Абу

⁸⁶ Сибобий Мустафо. Ас-Сунна ва маканатуҳа фий ат-ташрийъ ал-ислабий. – Қоҳира: Дор ал-варроқ, 2000. – Б. 317. (Бундан кейин: Сибобий. Ас-Сунна)

⁸⁷ Маккий. Маноқиб. – Б. 70-80.

⁸⁸ Ҳайтабий Абу Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Алий ибн Ҳажар. Ал-Хойрот ал-ҳисон фий маноқиб ал-имам Аби Ҳанифа Нуъмон. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийя, 1407 ҳ. – Б. 23. (Бундан кейин: Ҳайтабий. Ал-Хойрот ал-ҳисон)

⁸⁹ Абдурраззоқ ибн Ҳасан ибн Иброҳим Байтор. Ҳуля ал-башар фий тарих ал-қорн ас-сАлийси ашара. – Дамашк. Матбаа ат-тараккий. 1383, – Б. 328. (Бундан кейин: Байтор Ҳуля). Умарий. Ал-Хилаф. – Б. 48.

⁹⁰ Накийб. Ал-Мазҳаб ал-ҳанафий. – Б. 52.

⁹¹ Маккий. Маноқиб. – Б. 323. Солихий Муҳаммад ибн Юсуф ибн Алий. Уқуд ал-жумон фий маноқиб Аби Ҳанифа Нуъмон. – Ҳайдаробод: Матбаа ал-маориф аш-шарқийя, 1394 ҳ. – Б. 205. (Бундан кейин: Солихий Уқуд). Соймарий Абу Абдуллоҳ Ҳусайн ибн Алий ибн Муҳаммад. Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобиҳи. – Ҳайдаробод: Матбаа ал-маориф аш-шарқийя, 1394 ҳ. – Б. 185. (Бундан кейин: Саймарий Ахбор Аби Ҳанифа).



Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи Ато ибн Аби Рабоҳ раҳматуллоҳи алайҳи тўғрисида “Атодан афзалини кўрмадим” деганлар⁹².

3. Абу Исмоил Ҳаммод ибн Абу Сулаймон Муслим Куфий (ваф. 120 х.)⁹³. У Ироқ фақиҳи деган ном олган⁹⁴. Саҳоба Анас ибн Молик, Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳум ва шу каби таниқли кишилардан ривоят қилган⁹⁵. У фикҳ илмини ўз даврида Куфа фақиҳи Иброҳим Нахаъий раҳматуллоҳи алайҳдан (ваф. 95 х.) олган.

Абу Ҳанифа устози Ҳаммод ибн Абу Сулаймон раҳматуллоҳи алайҳи вафот этгунча ўн саккиз йил давомида ундан фикҳ илмидан сабоқ олган.

4. Зайд ибн Али ибн Ҳусайн Зайнулобидин раҳматуллоҳи алайҳи. У киши ўз даврида қироат илми ва Қуръон илмлари, фикҳ ва ақоид илмларида кўзга кўринган аллома бўлганлар. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи ундан икки йил дарс олганлар.

5. Жаъфар Содик раҳматуллоҳи алайҳи. У Абу Ҳанифа билан тенгдош бўлган. Абу Ҳанифа Жаъфар Содик ҳақида: “Аллоҳга қасамки, Жаъфар ибн Муҳаммад Содикдек фақиҳни кўрмаганман», - деб унинг илмига юксак баҳо берганлар.

6. Абдуллоҳ ибн Ҳасан ибн Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳи. Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи бу кишига шогирд тушганини Маккий, Ибн Баззозий ва бошқа олимлар ўзларининг Маноқибларида таъкидлаганлар. Абдуллоҳ ибн Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳи ҳадис ва бошқа илмларда етакчи олимлардан ҳисобланганлар.

7. Муҳаммад Боқир ибн Зайнулобидин раҳматуллоҳи алайҳи. Бу киши чуқур илмга эга бўлгани учун “Боқир” лақабини олганлар⁹⁶.

Абу Ҳанифа раҳматуллоҳи алайҳи яна Атия Авфий, Абдурахмон ибн Ҳурмуз, Аърож, Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳунинг шогирди Икрима, Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг шогирди Нофий, Адий ибн Собит, Амр ибн Динор, Салама ибн Куҳайл, Қатода ибн Диома, Абу Зубайр, Мансур, Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн раҳматуллоҳи алайҳим ва шу каби машҳур тобеинлардан ҳадис эшитганлар⁹⁷.

Нуъмоний Абдурашид. Маканат ал-имам Аби Ҳанифа фий ал-ҳадис. – Байрут: Дор ал-башоир, 1417 х. – Б. 10, 11,12. (Бундан кейин: Нуъмоний. Маканат ал-имам)

⁹² Заҳабий Ҳофиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон. Маноқиб Аби Ҳанифа ва соҳибайҳи Аби Юсуф ва Муҳаммад ибн Ҳасан. – Ҳайдаробод: Лажна ихё ал-маориф ан-нуъмонийя, нашр санаси номаълум. – Б. 19. (Бундан кейин: Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа)

⁹³ Тамимий Такиййуддин ибн Абдулқодир. Ат-Табақот ас-санийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Риёз: Дор ар-Рифоъий 1408 х. – Б. 183. (Бундан кейин: Тамимий. Ат-Табақот ас-санийя.)

⁹⁴ Заҳабий. Сияр. – Б. 231.

⁹⁵ Заҳабий. Тарих ал ислам ва вафаёт ал-машоҳир вал аъён. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-арабий, 1410 х. – Б. 231. Асқалоний Ибн Ҳажар Аҳмад ибн Алий ибн Муҳаммад. Таҳзиб ат-таҳзиб. – Байрут: Дор ал-маърифат, 1417 х. – Б. 13.

⁹⁶ Оқилов С., Примов С., Ғиёсов А.. Суннийлик таълимоти. – Б. 58.

⁹⁷ Заҳабий. Маноқиб Аби Ҳанифа – Б. 19.